

Касб баёни (2-қисм)



21:04 / 18.09.2017 3988

Кимларнинг ризқи таъминотсиз келади?

Муслим ибн Жубайр Абу Хурайрадан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Аллоҳнинг Бану Одамнинг ризқларига муваккал қилинган фаришталари бор. Батаҳқиқ, улар аларнинг ризқлари[1] даражаларига қараб бўлишини биладилар. Сўнгра У Зот уларга деди: «Бандаларимдан қай бири ташвишини (фақат) бир ташвишга айлантирса, унинг ризқини осмонлару ерга ва Бану Одамга юкланглар. Қай бир банда уни (ризқни) талаб қилса, унга ўзи ирода қилган тарафдан беринглар. Агар у касбларини[2] адолат билан танласа, унга ризқини адолат билан поклаб беринглар. Агар ҳаромга қўл урадиган бўлса ва ҳаво(и нафси) асосида олса, унга унинг учун юқори бўлиши мумкин бўлмаган даражадагисини

беринглар. Сўнгра у билан дунёнинг бошқа нарсалари орасини тўсинглар. Унинг учун ёзилган даражадан зиёда ўлароқ ҳалолини ҳам, ҳаромини ҳам ололмайди»[3].

Зайд ибн Аслам Абу Ҳурайрадан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Ким Роббининг ибодатига фориғ бўлса, У Зот унинг ризқини осмонлару ерга, қушларга ва Бану Одамга юклайди»[4].

Ҳадисдаги «ташвишини (фақат) бир ташвишга айлантирса» дея зикр қилинган банда ўзининг ташвишини унутиб, Роббининг ибодатига маҳкам бел боғлаган, ўз ибодатида фақат Робби ила машғул бўлган бандадир. Аллоҳ таолонинг ибодатига фориғ бўлиш мана шудир. Бундай банданинг ризқи осмонлару ерда кафолатланган бўлади. Осмон ёмғир ёғдиради, ер наботот ундиради. Бану Одам эса унга ишлов бериш, ташиш ва етказишни зиммасига олади.

Бу ўз ибодатида Робби ила машғул бўлган ва нафсини[5] унутган киши учундир. Унга кифоя қилгудек ризқни таъминотсиз етказиш Аллоҳ таолога вожиб бўлгандир. Аша ўшалар сиддиқлардир[6].

Аллоҳ азза ва жалла сиддиқа Марям алайҳассаломнинг дунё ишларидан озод бўлиб, ибодатга фориғ бўлгани ҳақида хабар бериб, шундай деди:

«Закарийё ҳар сафар унинг олдига – меҳробга кирганида, унинг ҳузурида ризқ кўрди. У: «Эй Марям, сенга бу қаердан?» деди. «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишисига беҳисоб ризқ берур», деди» [7].

Бунда маълум макондан бўлиши ҳисобга олинмайди.

Китобда[8] сиддиқага бундай нарса ато этилгани айтилган бўлса, сиддиқлар ҳам худди шундай ризқланишлари турган гапдир.

Агар Марям алайҳассаломнинг ризқини унга фаришталар етказиб берган бўлсалар, Бану Одам сиддиқларнинг ризқларини уларга етказиб беришлари жоиздир, чунки мўминлар Аллоҳ азза ва жалла учун фаришталардан кўра мукаррамроқдир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Сарахс аҳли сўраган масалалар китобидан)

[1] «Аллоҳ таолоодамлар ва ҳайвонлардан иборат Ўз махлуқотларига берганва улар манфаат олган дунёвийва ухровий ҳар бир нарсаризқдир».

[2] «Касб» луғатда «меҳнатбилан маблағ топиш, фойда, ютуқ, маош» каби маъноларни англатади. Истилоҳда «мақсадни ҳосил этишучун саъй-ҳаракат қилиш ва сабаббўлувчи воситаларни ишга солиш касб дейилади. Касб барча пайғамбарлар, хусусан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннатларидир. Ислом динида ҳалол касб орқали ризқ излаш фарз амал ҳисобланади.

[3] Ибн Можа «Муқаддима»да ривоят қилган.

[4] Ҳоким шунгаўхшаш ривоятни келтирган.

[5] «Нафс» калимаси жон, руҳ, қалб, шунингдек, истак, майл, хоҳишмаъноларида келади. Луғатда «инсондаги ғазаб ва шаҳватни жамлабифода этувчи сўз»дир. «Нафс» деганда кўпроқ ёмонсифатларни ўзида жамловчи нарса кўзда тутилади. Нафснинг еттихил даражаси бор: нафси аммора, нафси лаввома, нафси мулҳима, нафси мутмаъинна, нафси розия, нафси марзия, нафси комила. Нафс инсоннинг шайтон кабиэнг катта душманларидан бўлиб, унга қарши курашжиҳодга тенглаштирилган.

[6] «Сиддиқ» сўзи луғатда «сўзига, эътиқодига ваамалига содиқ, ростгўй киши» деган маънони ифодалайди. Истилоҳда «илоҳиймаълумотларга чин дилдан ишониб, ҳеч иккиланмай тасдиқ этувчи амал қилувчи, тили билан дилибир зотлар» «сиддиқ» деб аталади. Улар охиратда расуллар ва шаҳидлар даражасида турадилар. Исломтарихида бу шарафга биринчи бўлибРасулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликларини, Меърожга чиққанларини ҳеч биртараддудсиз тасдиқ этган улуф саҳобий, Исломдавлатининг илк халифаси Абу Бакр Сиддиқрозияллоҳу анҳу эришганлар.

[7] Оли Имрон сураси, 37-оят.

[8] Қуръони Каримнинг номларидан бири «Китоб»дир.